

## **ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ**

**Ахмедова Юлдуз Қосимовна**-Навоий ДПИ география фани ўқитувчиси

**Ибрагимов Хуршид**- Навоий ДПИ география фани ўқитувчиси

**Рахмонова Санобар-А.**Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиётига ихтисослаштирилган мактаби ўқитувчиси

География таълим методикаси – география таълим жараёнини тадқиқ қиладиган, унинг қонуниятларини аниқлайдиган фандир. География таълими методикаси – география ўқитишнинг мақсад – вазифаларини кўрсатиб беради, мактаб география курсларининг мазмуни ва унинг таълим – тарбиявий аҳамиятини аниқлайди, билимларнинг онгли ва мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлайдиган метод, усул ва йўлларини асослаб беради, бошқача айтганда, таълим – тарбия масалаларини ҳал этиш йўлларини кўрсатиб беради. География таълими методикаси география фанлари (умумий ер билими, картография, геология, иқлимшунослик, тупроқ географияси, ўсимликлар географияси, ҳайвонлар географияси, териклар табиий географияси, Ўзбекистон табиий географияси, Ўзбекистон ижтимоий – иқтисодий географияси ва чет мамлакатлари географияси) методологияси ва мазмуни билан бевосита боғлиқ у педагогика ва психологияси фанлари эришган ютуқларга таянади. География таълими методикаси педагогика фанлари қаторига киради. Бизда география таълими методикаси марксистик методологиянинг асосий қоидаларига суюниб аниқланган географик далиллар, тушунча ва қонуниятларга, дидактика усулларига таянган ҳолда ўз вазифаларини белгилайди, ўз метод ва усулларини яратади, ҳамда шулар ёрдамида ҳаёт тақозо қилган турли муаммоларни ҳал этади Ўқувчиларга таълим – тарбия бериш қонуниятларни тадқиқ қилас экан, методика фани география ўқитиш тажрибасини бойитади ва таълим – тарбия ишларининг сифатини яхшилашда география ўқитувчиларига бевосита амалий ёрдам беради.

География таълими методикасининг вазифалари қуйидагилардан иборат: ҳар бир мактаб география курсининг мақсади, мазмуни ва аҳамиятини белгилаш, улар мазмунини такомиллаштириш; ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда география фанидаги асосий ғоя, далил, тушунча қонуниятларини фокфеши олиш, ўқувчиларнинг билимларни онгли ўзлаштиришларига имкон берадиган таълим йўлларини аниқлаш; географик маълумотлар асосида ўқувчилар дунёқарашини шакиллантириш ва уларни ахлоқли тарбиялаш йўлларини кўрсатиб бериш; ўқитувчиларга амалий қўйнумка ва малакаларни сингдириш имкониятларини аниқлаш; таълим жараённида ўқувчилар фаолиятини оширадиган мустақиллигини таъминлайдиган самарали метод ва усулларни аниқлаш; география фанининг умумий ва политехника таълими системасидаги, ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш ва уларга ахлоқ тарбиясиҳамда эстетик тарбия беришдаги, ўқувчилар дунёқарашини шакиллантиришдаги маҳиятини ва вазифаларини очиб бериш; география курсларига мос келадиган ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган, илмий жиҳатдан асосланган билимлар ва амалда текшириб кўрилган таълим – тарбия методлари билан ўқитувчиларни куроллантириш; таълимни ташкил этиш турларини ишлаб чиқиши; дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларига қойиладиган талабларни ишлаб чиқиши; курслар бойича ўқувчиларнинг ёшига мос келадиган ўқув куролларини ва улардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиши; ўқувчиларнинг ўлкашунослик ва синфдан ташкил ишларининг мазмуни, турлари ва методикаси билан таништириш.

География таълими методикаси асосан: 1) География таълим мининг умумий методикаси, 2) Хусусий методикасидан иборат икки қисмга бўлинади. Умумий методика мактаб географиясига оид барча умумий масалалар – мактабгеографияси методикасининг тараққиёти, курсларнинг мазмуни, билимларни шакиллантириш ва машғулотларнинг ташкил этишнинг асосий йўллари ва бошқалар киради.

Хусусий методика мактаб географиясининг айрим курслари – табиатшунослик курси, табиий география бошланғич курси, материклар географияси, Ўзбекистоннинг табиий географияси, Ўзбекистон ижтимоий – иқтисодий географияси ва чет мамлакатлар иқтисодий географияси курсларининг аҳамияти, мазмуни, методикаси ва ўқитишни ташкил этиш хусусиятларини ўрганади.

География таълими методлари муоммоси педагогика фанларининг тарихида энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолгон ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бу муаммо буйича илмий тортишувлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Ўқитиш методи деган тушунчани жуда кўп таърифлари бор, улардан энг кенг тарқалгани қўйидагича: «Ўқитиш методи - бу таълим мақсадларига эришишга юналтирилган ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро боғланган ва тартибга солинган фаолияти». Ўтган асрда Россия педагогикаси немис педагогикаси таъсирида булган. Шунинг учун 1877 йили немисчадан Оберлендернинг «География методикаси» деган китоби таржима қилинган ва 30 - йилларгача шу китоб буйича дарс бериб келинган. Бу китобда қўйидаги методлар ажратилган: аналитик - аввал умуман Ерни ўрганиб, кейин унинг қисмларини ўрганишга ўтилади. синтетик - аввал айrim жойларни ўрганиб, кейин умуман Ерни бир бутунлигини ўрганиш; конструктив ўқувчилар харита чизиш давомида Ер юзаси шакллари билан танишишади; ўзаро алоқа (ассотиацияли) - ўрганилаётган ходисалар орасидаги ўзаро алоқаларни очиб беришга асосий эътибор бериш; гурухлаштирувчи бир хил географик ходисаларни токқослашга йўналтирилган. Ушбу методлар кейинчалик Д.Д. Семенов, Э.Ю.Потри, А.Ф.Соколов, В.П.Буданов, С.П.Аржанов томонидан қайта ишлаб чиқилди. С.П.Аржанов география ўқитиш усулларини қўйидаги гурухларга булади: аналитик, синтетик, контцентрик, ассотсиалаштирувчи, гурухлаштирувчи, таққослаш, тажриба, ўзаро алоқа, эвристик, дорматик, синтетик - генетик, тажриба эвристика.

Ўқитиш методи деган тушунчани янги таърифи ишлаб чиқилди В.Г.Эрдели томонидан география ўқитиш методларини икки гурухга бўлиш таклиф қилинди:

а) умумий, бошқа фанларда ҳам қўлланиладиган; б) география фанининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган методлар (карта ва глобуслар билан ишлаш).

А.А. Половинкин 1938 й. „Табиий география методикаси“ деган китобида қўйидаги методларни ажратади: оғзаки баён, хариталар, диапозитив, пластилин, дарслер, глобус билан ишлаш, экспедиция ва тажриба, В.П. Буданов 1939 й. „Табиий географияни ўқитиш методикаси“ деган китобида ўқитиш методига қўйидагича таъриф беради. Ўқувчиларни янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришини ўқитувчи томонидан бошкарилиши»

И.П.Буланок қўйидаги методларни ажратади: жонли сўз, дарслер билан ишлаш, глобус ва харита билан ишлаш, кўргазма, намойиш (иллюстратсия) методи, кузатиш ва тажриба.

Хозирги вақтда география ўқитиш методикасида, методларни билиш манбаларига қараб синфлаштириш қабул қилинган. Сухбат, маъруза, хариталар билан ишлаш, кузатиш, дарслер билан ишлаш, статистик маълумотлар билан ишлаш ва х.к. усуллар ҳозирги вақтда мактабда у ёки бу шаклда кенг қўлланилмоқда. Охирги вақтларда янги ўқитиш методларини қидириш кучайиб кетди. География ўқитиш методларини билиш манбаларига қараб синфлаштиришни танқид қилишга уринилмоқда, чунки бундай методлар асосан ташки белгиларига қараб, болаларни ўкув фаолиятини хисобга олмаган қолда синфлаштирилган. Ўқитувчи билан ўқувчини мақсадларини аниқлаб олишимиз керак. Ўқитувчининг ўқитиш максадлари қўйидагилардан иборат: Ўқувчининг билим ва кўникмаларни егаллаганини таъминлаш; Ўқувчиларнинг онгини ривожланишини таъминлаш; эгалланган билим ва кўникмалар асосида ўқувчиларни шаклланишини таъминлаш, яъни уларни тарбиялаш.

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. «Амалий география» – Тошкент: 2008 й.
2. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015
3. Абдуллаев И.Х., Сейтджелилова Э.С. Амалий география фанини ўқитишда инновацион технологиялар. –Т.:2015
4. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
5. Тўхтахўжаева М.Х. таҳрири остида. Педагогика назарияси ва тарихи // – Т.: —Молия-иктисод‖, 2008.– 208 б
6. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
12. Абдуллаев И.Х. Биогеография асослари. Маъruzalар матни. ТДПУ, 2012.